

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 40 (10.345)

2005 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛЬ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 25 февраль куни Оксаройда Озарбойжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Намиг Аббосов ишонч ёрлигини топширди.

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан кутлади. Унинг фаолияти давомида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги аънанавий дўстлик муносабатларининг янги қирралари очилишига ишонч билдирди.

Мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари истиқлолнинг илк давридаёқ янги поғонага кўтарилган эди. Президент Илхом Алиевнинг Ўзбекистонга 2004 йилдаги давлат ташрифи чоғида эса ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация имзоланди.

2004 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 153 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1998 йилда тузилган икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия мунтазам йиғилишлар ўтказиб, ўзаро келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий жиҳатларида оид масалаларни муҳокама қилиб келяпти. Халқларимизнинг яқинлиги, тилимизнинг бирлиги ва маданий муштараклик ҳамкорликни янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлмоқда.

Н.Аббосов давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, дипломат сифатида Ўзбекистонда фаолият кўрсатишни ўзи учун шараф деб билишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сажад Комрондан ҳам ишонч

ёрлигини қабул қилиб олди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Шу билан бирга, мамлакатларимизда иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлигини, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишдан Ўзбекистон ва Покистон бирдек манфаатдор эканлигини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз учун икки томонлама асосдаги ҳамда минтақа миқёсидаги ҳамкорликни раванқ топтириш долзарб масалалардандир. Афғонистонда тинч ҳаёт барпо этилаётгани Покистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Покистон муносабатлари, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Элчи Президент Ислом Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида қуч-ғайратини ямаслигини таъкидлади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Акчурга билан учрашди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги кўплаб соҳаларни ўз ичига олади.

БМТ ҳамда унинг ижтимоий-иқтисо-

дий ривожланиш мақсадларини амалга оширишга кўмаклашадиган нуфузли агентлиги ҳисобланган Тараққиёт дастури билан 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилган. Бу дастурлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва демократлаштириш жараёнларини кўллаб-қувватлашга, атроф-муҳит муҳофазасига, ОИТСга қарши курашга, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилган. Кадрлар тайёрлаш борасида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

БМТ Ўзбекистоннинг халқро аҳамиятга молик ташаббусларини кўллаб-қувватлайди. Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг Марказий Осиё Умумий бозорини барпо этиш, минтақани ядро қуролдан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббусларини, Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга ва Афғонистондаги тикланиш ишларига қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолайди.

БМТ ваколатхонасининг янги раҳбари билан учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, биргаликда амалга оширилаётган дастурлар, янги кўшма лойиҳалар тузиш имкониятини юзасидан фикр алмашилди.

Ф.Акчурга БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

ЎЗА

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• **Корақалпоғистон Республикаси** Вазирлар Кенгашида ўтган йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузасида сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда республикани 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига оид масалаларга бағишланди.

• **Ўтган йил** яқунларига кўра «ЎздЭУавто» кўшма корхонаси «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси корхоналари орасида энг яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришди. Бу йил андижонлик автомобилсозлар 110 минг 500 та машина ишлаб чиқаришни режалаштиримоқдалар.

• Самарқанд шаҳридаги «Алпомиш» заводи мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўтган йили 2 миллиард 51 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Шунинг қарийб 1 миллиард сўмлиги чет мамлакатларга экспорт қилинди.

• **Сихат-саломатлик** йилида Фарғона туманида «Ушнуза» савдо ишлаб чиқариш фармацевтика қарашли хусусий амбулатория ва ташхис маркази иш бошлади.

• **Ғиждувон** туманидаги «Бурхон» хусусий фирмаси жамоаси ўз фаолиятини тубдан ўзгартирди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари тури 20 тага етди.

• «Пахтакор-2» жамоаси Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги турнирининг гояли бўлди.

Жаҳонда

• **Фаластин** мухториятининг қонун чиқарувчи йиғилиши Бош вазир Махмуд Аббос бошчилигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.

• **Рим Папаси** Иоанн Павел II трахеотомия соҳасидаги жароҳлик амалиётини бошдан кечирди. Операциядан сўнг унинг томоғига нафас олишни енгиллаштирувчи махсус мослама ўрнатилди.

• **Тожикистон** жанубида тинимсиз ёққан ёмғирлар натижасида ўнлаб уйлар вайрон бўлди, тоғларда тош кўчкилари юзга келди.

• «Оскар» мукофоти совриндорларини аниқлаш учун АҚШ киноакадемиясининг 5808 нафар аъзолари овоз берди. Натижалар кеча Лос-Анжелесда бўлиб ўтган «Оскар» мукофотини топшириш маросимида эълон қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

Ҳисобот даврида эришилган натижалар шуни кўрсатадики, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида Тошкентнинг ҳиссаси пойтахт шаҳрига яраша салмоқли ва сезиларли бўлиб қолмоқда. 2004 йилда ривожланишнинг барча жаҳдаларида эркинлаштириш жараёнлари давом эттирилди, иқтисодийнинг деярли ҳар бир тармоғида муайян силжилар кузатилди. Асосий эътибор иқтисодийта ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кўптармоқли иқтисодийни шакллантириш, хусусий сектор устуворлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фа-

олиятни кучайтириш, яъни иқтисодийнинг барқарор ўсиши, ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш тарзи даражасини оширишга йўналтирилган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилди. Ва бундай аниқ мақсадларга эрилиш борасидаги ишлар натижаси ўлароқ ўтган давр мобайнида пойтахт иқтисодиётида изчил ва маромида ўсиш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик, иқтисодийнинг ва унинг айрлик соҳаларида мутаносиблик таъминланди.

Ҳисобот даврида ялпи ҳудудий ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 4 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқарилишидаги ўсиш суръатлари - 4,8 фоизни, чакана савдо айланмасида - 14,2 фоизни, пуллик хизмат кўрсатишида - 5,7 фоизни ташкил этди. Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам сезиларли натижалар кўлга киритилди. Айниқса экспорт ҳажми 36,1 фоизга ошганлиги бунинг яққол далилидир.

Аниқ иқтисодийта йўналтирилган инвестициялар ҳажмида ҳам 21,6 фоизга тенг ўсиш кузатилди. Иқтисодийта тўғридан тўғри чет эл сармоялари ва кредитларнинг жалб этилиши кескин - икки баробарга кўпайди.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

ҚУСҚА
Қушқабдан

• **ЎТГАН** куни "Туркистон" маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-Қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда Сихат-саломатлик йилида бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган тадбир Яққасарой туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

• **СЕРГЕЛИ** туман маданият марказида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда туман маданият бўлими ҳамкорликларида "Сени қуйлайман аёл" мавзуда маҳаллалар, коллежалар, мактабларнинг иқтисодий кизлари иштирокида кўриктанлов ташкил этилди.

• **МИРОБОД** туманида мактаблар, коллежалар, лицейларнинг ижтимоий-иқтисодий йўналиши бўйича "Қамолот" сардорлари учун "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Мировод туман Кенгаши ташаббуси билан ўқув семинари уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

МАСЪУЛИЯТ ВА ФИДОЙИЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Маҳаллий ҳамда жалб этилган сармоялар ҳисобидан аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга йўналтирилган ва шахримиз кўрғига кўрк бўлаётган турли ижтимоий, ишлаб чиқариш объектлари, бир қатор йирик иншоотлар барпо этилди. Шунингдек ўтиш лозимки, бу борада айниқса транспорт коммуникацияларини ривожлантиришда катта тажриба орттирилган. Хусусан, Кичик халқа йўлининг навбатдаги, тўртинчи босқичнинг бунёд этилиши давомида Амир Темур, Х. Асомов ва Х. Эргашев кўчалари туташувидикида эстакада - ер ости-ер усти автомагистрალი барпо этилди. Ўтган вақт давомида аҳоли эҳтиёжларини қондириш мақсадида 235 минг квадрат метр уй-жойлар қурилди, 20 километрга яқин муҳандислик тармоқлари ётқизилди. Шунингдек, 5080 ўринга эга ўрта махсус ўқув юрталари, 4 та спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

2004 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги улуши салмоқли даражада ўсди. Ҳисобот йилида 4,5 мингдан зиёд хусусий сектор субъектлари ташкил этилиб, улар ҳисобига 35,2 минг киши иш билан таъминланди. Бу эса олдинги даврга нисбатан 30 фоизга ошганидан далolat беради.

Умуман олганда, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар муҳим ижтимоий вазифалар, шу жумладан «Меҳр ва муруват йили», Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий давлат дастури, «Бандлик» дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, болалар спортини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг бажарилишига асосий замин яратди.

Шу билан бирга йиғилишда бозор ислохотлари изчиллиги ва самарадорлиги йўлида ғов ва тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар, номуносибликка юз тутган айрим иқтисодий соҳалар чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, иқтисодийнинг реал секторидики, агарда умумий олинадиған бўлса, белгиланган даражага эришилди, аммо таҳлилларга қараганда, саноат корхоналарининг 41 фоизидики ҳисобот даврида 79 миллиард сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилиши таъминланмаган. Шунинг деярли учдан бир қисми атиги 6 та корхонага, шу жумладан «Ўзбек қоғози» акциядорлик жамияти (900 миллион сўм), «Лок колор синтез» ва «Туфин» (1,2 миллиард сўмдан ҳар бирида), «Мармакс» қўшма корхоналари ҳисобига тўғри келмоқда. Бундай оқсалаётган корхоналар асосан Миробод, Ҳамза, Сергели, Чилонзор туманларига тааллуқлидир. Биргина Чилонзор туманидаги 9 та корхонада 20 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

Тегишли ижроия органлари ва мутасадди тузилмалар томонидан янги иш ўринлари ташкил этилишида муҳим омил ҳисобланган истеъмол бозорини маҳаллий тарзда ишлаб чиқариш сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, қайд этилган соҳаларда аниқ вазиятни ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирлар татиқ этилмаслиги, иш омилкорлигига эришиш борасидики тегишли чоралар қўлланилмаслиги ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг изчил ривожланиши масалалари ҳал этилишида, уларнинг пойтахт иқтисодийдаги иштирокини янада фаоллаштиришда салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Чунончи, 2004 йил якунлари бўйича 171 та объект хусусийлаштирилган бўлса, уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга тегишлилиги қувонарли ҳол, албатта. Лекин хусусийлаштиришдан кейинги жараён натижаларига келадиган бўлсаки, ушбу масала фақат объектлар сотилиши ва субъектларни рўйхатдан ўтказиш билангина эмас, бизнес тар-

моғига унинг кейинги босқичдаги фаолияти бевосита ва доимий қўмақлашиши лозим бўлган айрим мутасаддилар эътиборидан четда қолмоқда. Бугунги кунда умумий рўйхатдан ўтказилган 24,5 мингта хусусий бизнес субъектларининг ҳар тўртинчиси фаолият кўрсатмағгани ва ўтган бир йил ичида 4,5 минг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг фаолияти тўхтагани фикримиз исботидир.

Кейинги пайтда бепул тарзда 10 та объект тақсимланган бўлса, бироқ мажбуриятлар бўйича атиги 3 фоиз инвестиция киритилган. Инвестицион фаолиятни ривожлантиришга доир қонуний ва меърий-ҳуқуқий негиз шаклланишидан қатъи назар хусусийлаштириш жараёнига сармояларни жалб этиш, замонавий технологияларни киритиш ҳамда янги мезонларга мос бошқарув услубларини жорий этиш юзасидан чет эл инвесторлари билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилмаган. Масалан, шу кунга қадар пойтахтда 1800 та қўшма корхоналар қайд этилган бўлсада, амалда фақат 800 таси фаолият юритаётгани бундай вазиятни бартароф этиш борасидики холисона ва одил ёндошув лозимлигини тақозо этади.

Бўшаб ётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича масала ҳам сурункали равишда ечимини топиши қийин кечмоқда. Тошкент шаҳри бўйича тақдирини лоқайд ҳўжалик раҳбарлари ихтиёрига ташлаб қўйилган 346 миллион квадрат метр бесамар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари аниқланган.

Шубҳасиз, бундай ҳолатлар корхоналарнинг ҳўжалик-молиявий фаолияти ёмонлашуви, нобарқарор ўсиши, зарар билан ишлашга шариот яратиши турган гап. Ҳисобот даврида зарар билан ишлаётган ҳўжалик субъектлари сонини 78 тага қисқартиришга эришилган бўлсада, аммо 85 та корхонанинг зарари 12,2 миллиард сўмга тенг бўлди ва бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 32 фоизга ошган. Дарвоқе, таҳлилларга қараганда, зарар билан ишлаётган корхоналар қатори асосан қўшма корхоналардан иборат бўлиб бормоқда.

Айрим ҳўжалик субъектларининг тўлов қобилиятига эга эмаслиги, уларнинг қарзлари қўлайиб бориши масалалари ҳам долзарбликка қолмоқда. Жорий йилнинг бошига дебитор қарздорлик 363 миллиард сўмни, кредитор қарздорлик эса 435 миллиард сўмни ташкил этди.

Бу эса ўз навбатида, бюджетга бўлган қарзлар, яъни боқимандаликнинг 2003 йилга нисбатан 2,4 миллиард сўмга ошишига сабаб бўлганга шубҳа йўқ. Шу йилнинг январь ойига қадар корхона ва ташкилотларнинг боқимандаси 35,7 миллиард сўмдан иборат бўлди, шунинг деярли 50 фоизи - «ишчи» боқиманда, яъни бюджетни шакллантиришда муҳим бўлган солиқлар бўйича асосий қарздор.

Ҳисобот йилида иш ҳақи бўйича қардорлик даражаси пасайишига эришилди, лекин ушбу муаммо яна 137 та корхона ва ташкилотнинг кун тартибидики асосий бўлиб қолаётди. Бу субъект раҳбарларининг ўз ишчи-хизматчиларига қарзи 4,2 миллиард сўмга тенг.

Йиғилишда мавжуд нуқсон ва камчиликларнинг асосий сабаби ҳўжалик субъектларида, шунингдек айрим мутасадди тузилмаларда сақланиб қолаётган бюрократик иш услублари, раҳбар кадрларнинг масъулиятсизлиги ва ўз функционал вазифаларини унутмағгани ёки уларни бажаришдан йироқлиги, муҳим вазифалар ва максалларга эришиш борасидики уларда замонавий билим ва тажриба етишмаслигида эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда баъзи туман ҳокимликлари, хусусийлаштириш, инвестиция, монополиядан чиқариш шаҳар бошқармалари, банк ва солиқ тузилмалари, ҳудудий савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик

субъектларини ривожлантириш борасидики муаммо ва камчиликларни бартароф этишда, бизнес соҳаси мутасаддиларига ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги улуши салмоғи ўсишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда масъулиятсизлик ва ташаббус сезилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди ва шундан келиб чиқиб ҳамда хусусий сектордаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда махсус дастур ишлаб чиқиш ва татиқ этиш, хорижий инвестициялар билан ишлаётган корхоналар фаолиятини барқарорлаштириш бўйича мониторинг ҳамда амалий ишлар олиб бориш, зарар билан ишлаётган ҳўжалик субъектларига нисбатан ижобий силжисларга эришиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳисобот йиғилиши кун тартибидики кўтарилган долзарб масалалардан яна бири уй-жой-коммунал соҳасини тубдан яхшилашдир. Бу борада биринчи галда коммунал ҳўжалигини такомиллаштириш ва барқарор ривожланишига йўналтирилган тегишли Фармонлар ҳамда ҳўкумат қарорларининг манзилли ижросини таъминлаш юзасидан назорат олиб бориш, уй-жой фонди бошқарувининг бозор мезонларига асосланган таъсирчан механизмни яратиш, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ошириш, янги шакл ва аниқ манбалар кўрсатилгани ҳолда коммунал корхона ва ташкилотларининг ҳам дебитор, ҳам кредитор қарзларини камайтириш масалаларига эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.


Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасидики пойтахт фаоллари олдида турган устувор вазифалар муҳокамаси давомида асосий эътибор Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда янги ҳўкумат аъзолари билан учрашуви давомида белгилаб берилган талабларга қаратилиши, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ва самарали натижаларга эришиш юзасидан барча таҳалларга мажмуавий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Бу борада ҳар бир раҳбар нафақат тегишли соҳаларда аниқ вазиятни чуқур ўрганишда танқидий ёндоқиши, балки ўз фаолиятига ҳам танқидий назар билан қараб бошқараётган тузилмада ислохотлар тўлиқ таъминланишига шахсан жавобгар эканлигини унутмаслиги, таъсирчан ва сезиларли натижаларга эришиш борасидики аввало ташаббус, ўзаро ҳамжихатлик ва фидоийлик кўрсатиб ҳаракат қилиши зарурлигига ургу берилди.

Пойтахт фаоллари йиғилишида кун тартибидики масалалар юзасидан Давлат мулкни бошқариш қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Алишер Қаримов, Давлат солиқ қўмитаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Зафар Хошимжонов, суд қарорларини ижро этиш департаменти Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Улуғбек Абдураев, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси шаҳар бошқармаси бошлиғи Мирсаид Мирмахмудов, шаҳар ҳудудий савдо-саноат палатаси раиси Садриддин Қаномов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди. Шунингдек йиғилишда айрим тадбиркорлик субъектлари, маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ўз фаолиятидаги ютуқлар, муаммолар хусусидики сўз юритиб, хусусий бизнесни ривожлантириш ва коммунал соҳасини такомиллаштириш борасидики тақлиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Йиғилишда кўтарилган барча масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Айни дамда бутун Европа давлатлари нигоҳи Испанияга қаратилган. Испанияда Европа Иттифоқи Конституциясини муомалага киритиш ёки киритмаслик масаласи бўйича умумхалқ референдуми ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда ЕИ конституцияси имтиҳондан ўтмоқда. Испаниядан кейин ЕИ конституцияси Европанинг сақизта давлатидики муҳокамага қўйилади.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ташкилотнинг қочоқлар ишлари бўйича олий коммиссари Рууд Любберсини истеъфога чиқарди. У ахлоқсизликка айланмоқда. Айни пайтда Любберс ўзига қўйилаётган барча айбларни рад этди.

● Португалияда ўтказилган сайловда муҳолифатдаги социалистик партия галага қозонди. Мамлакатни бошқариб келган социал-демократлар ҳўкумат тепасидан кетишга мажбур бўлишди. Социалистлар парламентдаги 230 ўриндан 188 тасига эғалик қилишди.

● АҚШнинг икки собиқ президенти Билл Клинтон ва катта Жорж Буш тўфондан зарар кўрган мамлакатларга таширф доирасидики Индонезияга келишди. Индонезия президенти Суило Бамбангом Юдхойоно билан қисқа учрашувдан кейин улар Ачех музофотига йўл олишди. Таиланддан тўғри Индонезияга учиб келган икки собиқ президент жаҳон ҳамжамиятини декабрда рўй берган табиий офат қурбонларини унутмасликка чақирди.

● АҚШ Жанубий Корея билан ҳамкорликда ядро энергияси соҳасидики тадқиқотлар ўтказишни мўлжаллаётти. Ушбу ҳамкорлик учун ОҚ уй раҳбарияти 1,6 миллион доллар маблағ ажратди. Бу ҳақда Жанубий Корея Илмфан ва технологиялар вазирлиги маълум қилди.

● Ҳиндистон нефть-газ компанияларидан бири — ONGC директори Субир Раха Россияда нефть ва газ қазиб олиш лойиҳаси юзасидан «Газпром» билан ҳамкорлик қилишни режалаштираётгани маълум қилди. Директорнинг сўзларига қараганда, компания ушбу лойиҳа учун 20 миллиард доллар сарфламоқчи.

● Бангладешнинг Буриганга қўлида йўловчи ташини паромни ҳалокатга учради. Маълумотларга қўра, 90 га яқин йўловчи ҳаётдан қўз юмган, 150 нафари эса беदारак йўқолган. Айни дамда воқеа жойидики қўтқарув ишлари олиб боришмоқда.

● Буюк британиялик аристократлар ўзларининг сезимли машғулоти, яъни този итлар билан ов қилишдан маҳрум бўлишди. Тулки, қўён, шу каби жониворларни итлар билан ов қилишни тақиқловчи қонун Англияда қўчга кирди.

Муқоабат

КОММУНАЛ ХИЗМАТ:

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Хабарингиз бор, шу йил февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш ва коммунал хизматлар юзасидан истеъмолчилар масъулиятини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари матбуотда эълон қилинди. Бугунги кунда ўзининг аниқ ечимини кутиб турган бу соҳадаги долзарб муаммолар барчанинг диққатини ўзига тортди. Тахририятимизга оқшомхонлардан шу мавзуда келаётган хат-хабарлар оқими кўпайди. Шу боис бугун юқоридagi рух остида бериладиган материалларни мазкур мавзуга қаратдик.

АЙНИ МУДДАО

Чиндан ҳам уй-жой коммунал соҳаси муаммолари одамлар тили учнда турган масала эди. Инкор этиб бўлмайди, кейинги йилларда юртимизда коммунал хизмати соҳасида ҳам ўзига хос ислохотлар олиб борилди. Лекин уларни амалга ошириш борасида жиддий тўсиқлар, ўзаро келишмовчиликлар, эътирозлар юзага келганлигини ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу аниқлашловчиликларнинг барчаси истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла тушуниб етмаганликлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари вазифасига тайинланганларнинг коммунал соҳасини яхши билмасликлари, ташаббускорликнинг етишмаслиги сабаб бўлди. Юртбошимиз мазъузаси ва «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», шунингдек, «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари айна муддао ва бу борада қўйилган аниқ мақсадли қадам бўлди. Бугунги кунда биз маҳалламиз аҳли билан биргаликда бу қарорларни амалга ошириш йўлида изланишлар олиб бораямиз. Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини ташкиллаштириш ва масъулиятини ошириш, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта ҳизмат чора-тадбирларини кўраямиз.

Собир КОМИЛОВ,
Аҳмаджон Назаров номи маҳалла оқсоқоли.

КАМАЙТИРИБ
ЁЗАЙМИ?

Коммунал хизматлари ҳақида гапириб туриб бир танишим: «Икки-уч ойдан бери электр ва газ ҳақини тўламаямиз. Негадир, ой сайин уйимизга келиб тўлов ҳақини ундириб кетадиган соҳа хизматчилари кейинги вақтларда кўринмай қолди», деган гапни айтиди. Шунда мен унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 11 февралдаги қарорига кўра уй-жойлардан фойдаланиш харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқланганлигини, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига қўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали амалга оширилиши белгиланганлигини тушунтирдим.

Бу гапни эшитиб: «Жуда адолатли иш бўптида», деб қўйди танишим. Нега десам, у:

— Уйма-уй юриб пул йиғиб юрадиган назоратчиларнинг ҳаммасини ҳам эл-юрт манфаатини ўйлаб иш тутадиган кишилар деб

бўлмасди. Уларнинг орасида қўли эгрилари ҳам бор эди. «Ҳисоблагичингиз палон пулни кўрсатиб турибди, ярмини ёзаман. Мени ўзингиз хурсанд қиларсиз», дейдиганлари ҳам йўқ эмасди. Кўпчилик мўмай пул тўлашдан қочиб бу гапга рози бўларди. Қарабсизки тўловнинг ярми кассага, учдан бири кассага кетарди. Шу каби юлғичликлар боис электр ва газ таъминоти қопланмай йил сайин унинг хизматлари нархи ошиб борарди, — деди.

Бу ҳақ гап, ҳақиқатни эса ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди.

Кодиржон ОХУНОВ,
хизматчи.

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРГА
ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Биз оиламиз билан «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан танишиб чикдик. Унда уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаси олиб борилаётгани, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилгани, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда эканлиги, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон пастлиги алоҳида таъкидланган. Бундай ҳолга чек қўйиш учун уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан барча чора-тадбирлар белгиланган. Албатта бу тадбирлар аҳоли билан уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида баъзи тушунмовчилик ва келишмовчиликларга барҳам беради.

Бир мисол: ўтган йили ертўламиздаги қувурлар эскириб кетганлиги, шу боис улардан сув оқиб ертўлани сув босаётганлигидан шикоят қилиб ўзимизга қарашли уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаат қилдик. Улар олдинги бунинг учун маблағ йўқлигини айтишди. Бу юмшун кейинги йил режасига киритиб қўйишларини таъкидлашди. Кўп ўтмай ширкат раиси ўзгарди. Янги раис ертўла қувурларини янгилаш ишини ўз зиммамизга юклди. Биз нима қилишни билмай, аросатда қолдик. Шу келишмовчилик туфайли бир неча йил оворою сарсон бўлдик.

Бу қарорнинг қиймати шундаки, унда коммунал хизматларига оид қайси вазифага ким масъул эканлиги, ўша иш ким томонидан бажарилиши аниқ белгилаб берилган.

Қабир СОДИҚОВ,
пенсияер.



«Қолган ишга қор ёғар» дейди халқимиз. Коммунал хизматлар билан боғлиқ чала қолган ёки ўлда-жўлда бажарилган юмушларни кўргангиде беихтиёр шу мақол ёдинга тушади. Бу йил қиш-қишлигини қилди. Хар йилдагидек қишнинг илқ келишидан умидвор бўлган баъзи кўп қаватли уйларнинг истикоматчилари йўлақларидаги ахлатлар (суратда кўриб турганингиздек), синган, чиққан эшик-ром ва ойналарни кам ҳафсаласизлик билан тартибга келтиришмади. Шу арзимас юмушлар яшовчиларнинг баҳамжихатлиги билан ўзлари томонидан бажарилганида қишнинг аёзли кунларида улар бу лоқайдликларнинг жабрини тортишмасди.



— Ҳақиқатан ҳам, биз бугун тарихий даврни бошдан кечирмоқдамиз. Замонавий илм-фаннинг беқиёс ривожини, юксак даражадаги технологиялар инсоният оғирини енгил қилиб, кўпгина муаммолар ечимини топиб бермоқда. Бирок, шу билан бир қаторда, биз янги муаммолар ва таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз. Айтимиз, ахборот-коммуникацион технологиялар тараққиёти орқасидан ижобий натижаларга эришиш билан бирга ахборот хуружи билан юзма-юз келдик.

Дунё ахборот бозорига рақобат кескин тус олмақда. Жаҳондаги йирик оммавий ахборот

бўлса, иккинчидан, ўз қўллари билан ўз фарзандлари ахлоқи ва келажагига нисбатан жиноят қилмоқдалар. Яна улар бир нарсени унутмасликлари ва доимо ёдда сақлашлари лозимки, фақат тинчлик-ҳотиржамлик таъминланган юрtdагина эмин-эркин ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланиш мумкин. Шундай экан, ҳеч қачон юртимиз ва халқимиз манфаатларига қарши ёти қилмаслик керак. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида зўравонликни, шафқатсизлиқни тарғиб қилиш, фуқароларнинг шаъни ва қадр-

МИЛЛИЙ
МАНФААТЛАРИМИЗ
МУҲИМ ВА УСТУВОР

дейди «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори
Рустам ҚОСИМОВ

— Глобаллашув даври маҳсули бўлган юксак даражадаги ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ҳозирги пайтда, мамлакатимиз миллий манфаатлари, тарихий маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш ҳам сизу биз учун устувор мақсад ва вазифа сифатида фаолиятимиз марказида жой олмақда.

рот воситалари, ахборот-гуманитар корпорациялар, медиа магнатлар ахборот тарқатишдан икки хил мақсадни кўзлаб иш юритмоқдалар. Биринчидан, ўз манфаатларига ва мақсадларига мос ва жавоб берадиган ахборотни тарқатиш орқали одамларнинг онг-тафаккури ва қалбини эгаллаш, иккинчидан эса бир қарашда ниҳоятда жозибадор, аммо тағи пуч ва сийқа мавзуларни пуллаш орқали жуда катта фойда олишдир.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилиши пайтда журналистлар билан ўтказган суҳбат чоғида дунёда кечаётган ҳозирги мураккаб жараёнларни кенг миқёсда таҳлил қилиб, бизнинг маънавий-тарихий қадриятларимизга ёт хар қандай ақида ва ғояларга қарши курашда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси жавобгар эканлигини алоҳида таъкидлашди. Дарҳақиқат, бугун, ўз ҳаётимизни мустақил ташкил этиш, ёшларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асрашдан халқимиз ва мамлакатимиз келажаги ва тақдирини дахлдор бўлган улуг мақсад-вазифалардан бирор кишининг четда туришига ҳаққи йўқ.

— Ҳозир мамлакатимизга четдан кириб келаётган турли газета-журналлар ичида ўзбекона ахлоқ ва маънавиятга бутунлай тесқари, беҳаёлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи нашрлар салмоғи анчагина. Ушбу мавзунинг таҳлили қилишга уринган баъзи журналистлар бундай нашрларни олиб қираётганлар сафига билиб-билмай «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясини ҳам қўшиб юборишади.

— Аввало, турли ахлоқсизликлар, зўравонлик ва садизмни тарғиб қилишга қаратилган нашрларни олиб қираётганлар — улар хусусий тадбиркор бўладими ёки фирмами — бир нарсени унутмасликлари керак: бундай кимсалар пул орқасидан қувиб, биринчидан, мамлакатимиз Конституцияси ва амалдаги қонунлар талабларини бузишга

қимматини таҳқирлашга йўл қўйилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Энди саволнинг иккинчи қисмига келсак, ҳақиқатан ҳам айрим газета ва телекўрсатувларда ўзбўлаш масалани таҳлил қилишда, муаммо илдизларини ўрганмасдан, бундай нашрларни ким ва қандай йўллар билан олиб қиришни пухта ўрганмасдан, «Матбуот тарқатувчи» ташкилотимизнинг номидан келиб чиқиб, виждони ва иймонини йўқотган айрим тадбиркорлар қаторига бизни ҳам қўшиб қўйишга уринишади. Биз, аслида, бу муаммонинг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинишидан ва унинг қонун талаблари даражасида ҳал этилишидан манфаатдоримиз. Лекин «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ҳеч қачон халқимизнинг азалий ва абадий қадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзи ва ахлоқ мезонларига зид нашрларни четдан олиб келиб тарқатмаган ва тарқатмайди ҳам. Баъзи журналистлар биз билан айна соҳадаги муаммолар хусусида суҳбатлашишга келиб, бу борадаги муаммолар ечими ва соҳада қандай ишлар амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги фикрларимизни чала-ярим ҳолда ўқувчи, томошабинга етказишади. Бунинг оқибатида одамларда ташкилотимиз фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур уйонади.

Биз фақат-хориждан обуна йўли билан, фан ва техника, тиббиёт ва спортга оид ҳамда адабий-бадий мазмундаги айрим нашрларни мамлакатимиз ҳудудида қонун талаблари асосида тарқатамиз. Шу билан бирга, Ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар, кенг қўламдаги бунёдкорлик, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлардан жаҳон жамоатчилигини хабардор қилиш мақсадида ўзимизда нашр қилинаётган газета-журналларнинг обунасини чет элларда ташкил қилганмиз.

Компаниямиз ахборот ва матбаа нашрларини тарқатиш бозорига соғлом рақобат, қонунийлик тарафдори. Энг муҳими, биз қонун ва миллий манфаатларимиз устуворлигини ўз фаолиятимиз асоси ва мезони қилиб белгилаганимиз.

Мўшоғаз

СУВ — ОБИ ҲАЁТ

Ўлкамизда илгаридан сувнинг томчилари қадрланиб келинган. Айниқса ичимлик сувининг танқислиги пайтида уни авайлаш жуда муҳимдир. Авлодларимиз ҳалигача дарё ва каналларимизга тоза сув келганини ва биз уни кўрмасдан истеъмол қилганимизни яхши билинади. Ҳозир эса дарё ва сув ҳавзаларининг ўзлари ер ости сувларини ифлослантирувчи манбаларга айланганлиги оғир оқибатларга олиб келяпти.

Ҳаммага маълумки, инсон овқатсиз 50 кун, сувсиз 5 кун, ҳавосиз эса 5 дақиқагина яшай олади. Олимлар шунинг тасдиқлашдики, биз нафас олаётган ҳавонинг тозалиги санитар қондаларига тўғри жавоб берса, унда инсон ҳозирги яшаётган муҳитидан янада узокроқ умр кўриши мумкин экан. Сув — бу инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлик ва инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди.

Ер қуррасида сувлар турлича жойлашган. Хусусан, ер ости сувлари ер қавагида жойлашган бўлса, ер устида эса очик юза сувлари мавжуддир. Ер усти сувлари анчагина чуқурликда бўлиб, артезиан сувлари номи билан юритилади. Тошкент шаҳри худудидан сув тўлиб ўтувчи каналлардан Бўзсув, Анҳор, Бўржар, Салор, Қорасув, Найман каби каналлар пойтахт табиий иқлимни сақлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу каналлар шахримизнинг деярли барча туманларидан оқиб ўтади. Уларнинг сув олиш манбалари эса асосан Чирчиқ дарёси ҳисобланади.

Ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири — ер,

алоҳида объектларнинг муҳофазасини, фуқароларга ўз соғлиқларини сақлаш, уларга қўлай табиий муҳит яратиш ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси пойтахтнинг атроф-муҳитини соғломлаштиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши, давлатимизнинг шу масалалар бўйича чиқарган қарорлари ва кўрсатмаларининг бажариллиши устидан қатъий назорат ўрнатган. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажариллишини таъминлашда метёр ва қондаларни бузаётган корхона, ташкилотлар раҳбарлари ҳам нисбатан қатъий талабчанлик оширилиб, улар жавобгарликка тортилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, оқова сувлар бизнинг бойлигимиз. Уларни ифлослантирмастик учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлаб оқова сувларни муҳофаза қилиш бўйича қанчалар кўп ҳаётини сарфлаганини эсимизда тутишимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлаб оқова сувларни муҳофаза қилиш бўйича қанчалар кўп ҳаётини сарфлаганини эсимизда тутишимиз керак. Бекорга ҳам ота-боболаримиз қадим-қадим замонлардан бошлаб оқова сувларни муҳофаза қилиш бўйича қанчалар кўп ҳаётини сарфлаганини эсимизда тутишимиз керак.

А.МИРЗАҚАСИМОВ, А.РАСУЛОВ, Миробод тумани ноэрилари.



Мўшоғазда

БУ ҲАМ БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ер, сув, она-табиатимизни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Зеро инсоннинг ҳаёт олдидида энг муҳим бурчи — уй қуриш, бог яратиш ва фарзанд ўстириш, жонжон ўлкани севадиган ва авайлайдиган ёшларни тарбиялаш. Табиатни асраш, авайлаш келгуси авлодга кўп жиҳатдан боглик.

Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, унинг қонунларига амал қилиш, яъни экологик жиҳатдан таъвоҳдон бўлиш бизнинг ҳар биримиз учун муҳим аҳамиятга эга. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мактаблар, бола-

лар богчалари ва мактабдан ташқари ташкилотларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг табиатга бўлган муносабатини алоҳида инobatга олиб, улар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг экологик таълим ва тарбиясида ҳали кўпгина хал қилинмаган муаммолар бор.

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 4-моддасида "Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида кўйидаги қондаларга амал қилиши керак: барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги эътиборга олинсин", дейилади. Бу қонун қабул қилинганидан бери анча вақт ўтган бўлса ҳам, айрим мактаблар бу ишга лозим даражада эътибор ва масъулият билан

ёндашмаптилар. Мактабларнинг кўпчилигида экологик мазму бўйича дарслар умуман йўқ ёки онда-сонда ўтилади. Табиат болаларга катта эстетик қувонч бағишлайди, бу мактабгача ёшдаги болаларда гўзаллик ҳиссиётларининг пайдо бўлишига олиб келади. Боланинг табиатга нисбатан умумий дунёқарши вақт ўтган сари равшанлашиб, атрофдаги даракларга, ҳайвонларга бошқача кўз билан қарайди. Бунда атрофимизда жойлашган ҳар бир нарса унинг қалбига бутун умр сақланиб қолади. Бола табиатни идрок қила олмаса, агар у гўзалликни сезмас ва ҳис қила олмаса, бу барчамизни ташвишлантирмади лозим. Болада гўзалликка бўлган қизиқишни уйғотиш учун, катталар ҳам

унга бефарқ қарамастликлари керак. Тарғибот-ташвиқот бўлими экология фани ўқитувчиларини йиғиб, ҳар ойда семинар, ўқув машғулотларини ташкил этиши, шаҳар мактабларида, болалар муассасаларида табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари томонидан мунтазам равишда табиатни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича экологик учрашувлар, турли тадбирлар, ишолар, кўрик-танловларини ўтказиб туриш режалаштирилган.

Экология ёшлиқдан бошланади. Ёш болалар ҳам худди катталардек келажакдаги масъулиятни тўлақонлик билан ҳис қилишни ўрганиши керак. Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА, Илмий-техника тараққиёт ва экологик тарғибот бўлими мутахассиси.



№ 2(154) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Қондабузарлар

МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМ

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан гўзал шахримизнинг гуллаб-яшнаши, атроф табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муҳитни яхшилаш, корхона, ташкилот ва муассасаларни обод қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Булардан бири шаҳар худудига ҳар хил турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишдир.

Биргина ўтган йил баҳорги кўчат экиш мавсумига тайёргарлик учун 5905373 сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ ҳисобига ҳар хил турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари керакли жойларга ўз вақтида тарқатилди. Бундан ташқари "Ботаника" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7 гектар ер майдонини ўзлаштириш учун 3 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда бу ерда игна-баргли дарахтлар питомцига ташкил қилиниди ва бог худудига санитар тозалаш ишлари олиб борилди.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш гуруҳи томонидан 2004 йил мобайнида бир қанча назорат-текширув ишлари олиб борилди. Шу жумладан, 667 та давлат назорати ўтказилиб, профилактика тушунтириш ишлари, рад этувчи ва рухсат берувчи қонуний ҳужжатлар расмийлаштирилди. Табиатга етказилган зарар учун корхона ва ташкилотларга нисбатан 466 та бадал тўлови белгиланиб, улардан ундирилган жарима 7531800 сўмни ташкил қилди.

Дарахтларнинг ноқонуний кесилгани ҳамда шикастлантирилгани учун ўтган йил 178 та жарима солинди. Шундан 63 таси мансабдор шахсларга нисбатан бўлиб, улардан 669.1400 сўм ундирилди.

Юқорида келтирилган масала юзасидан 3 та ҳолат бўйича йиғилган материаллар Тошкент

шаҳар прокуратурасига юборилди. 2 та ҳолат бўйича ноқонуний дарахт кесилгани учун жиноий иш қўзғатилди. ЎзРЖКнинг 198-моддасининг 2-қисми ва 206-моддасининг 1-қисми билан "Тўлқин ота коммуналчи" УЖМШ худудига ва "Эски қатортол" УЖМШ худудига ноқонуний дарахт кесган мутасадди ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги 293-сонли қарорига асосан "Тўлқин ота коммуналчи" УЖМШ бўйича табиатга етказилган зарар учун 2431.680 сўм ва бадал тўлови, "Эски қатортол" УЖМШ бўйича эса табиатга етказилган зарар учун — 1445200 сўм бадал тўлови солинди.

"Ўзтадбиркорбанк" худудидидаги ноқонуний дарахт кесилиши ҳолати бўйича жиноий иш тўхтатилди. Чунки табиатга етказилган зарар учун банк ҳисобидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси фойдасига 168000 сўмлик бадал тўлови ундирилди.

Ана шундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ҳамшаҳарларимизни яшил бойлигимиз бўлган дов-дарахтларни асраб-авайлашга, ўзбошимчилик билан уларни кесиб ташла-масликларини сўраб қолади.

Ш.АБДУЖАЛИЛОВА, "Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси" бўлими бошлиғи.

Уйғун ака Шорихсиев табиёт ҳодими мутахассислигини эгаллаш билан бирга ўз вақтида Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида ҳам тахсил олган. Шуниси эътиборлики, Тошкент шаҳар Давлат санитария назорати марказида етакчи мутахассис бўлиб экологияни мусофао сақлашга интилиб келаётган табиат жонкуяри Уйғун ака журналист сифатида кўп йиллардан бери долзарб, муаммоли, таҳлилий мақолалари билан газеталар саҳифаларида қатнашиб келади. Газетхонларнинг экологик билими ошишига ҳам ўзининг улушини қўшади. Унинг шифокорлик касби юзасидан матбуотда эълон қилган танқидий, таҳлилий мақолалари туфайли кўпгина экологик ноҳушликларнинг олди олинганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Ушбу фикримизга У.Шорихсиевнинг Республика телевидениесининг "Экология ва ҳаёт", "Сихат-саломатлик" кўрсатувларидаги тез-тез чиқишлари, шунингдек, "Тошкент оқшоми", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока" газета-

ТАБИАТ ЖОНКУЯРИ

Табиатан одамохун, камтар, ширинсўз бу инсонни шахримизда кўпчилик танийди. Чунки Тошкент шаҳар Давлат санитария назорати марказида кўп йиллардан бери ҳормай-толмай, самарали меҳнат қилиб келаётган лавҳамиз қахрамони биз нафас олаётган ҳавонинг тоза, мусоафо, оқар сувларини зилол бўлиши учун жон қуйиладди, маҳаллалар, мавзелар, кўчалар, хиёбонлар, истироҳат богларини ям-яшил майдонларнинг ораста, озодалиги учун елиб-югуриб хизмат қилади.

Бу борада унинг қаламига мансуб "Тузоққа тушириш инсофданми?", "Салор аросатда қолди" сарлавҳали танқидий мақолаларнинг матбуотда эълон қилинганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Шу далаари туфайли кўпгина экологик ноҳушликларнинг олди олинганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Ушбу фикримизга У.Шорихсиевнинг Республика телевидениесининг "Экология ва ҳаёт", "Сихат-саломатлик" кўрсатувларидаги тез-тез чиқишлари, шунингдек, "Тошкент оқшоми", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока" газета-

лариди атроф-муҳит, атмосферани булғаетган айрим ташкилот, корхона, идора раҳбарларини танқид остига олиб ёзган мақолалари мисол бўла ола-

эслайди Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат богининг раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими Баҳодир Сул-

тонов, — қурилиш чиқиндилари сув ёқалари ва бошқа жойларда тўпланиб қолди. Буни кўрган Уйғун сарлавҳали танқидий мақолаларнинг матбуотда эълон қилинганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Шу далаари туфайли кўпгина экологик ноҳушликларнинг олди олинганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Ушбу фикримизга У.Шорихсиевнинг Республика телевидениесининг "Экология ва ҳаёт", "Сихат-саломатлик" кўрсатувларидаги тез-тез чиқишлари, шунингдек, "Тошкент оқшоми", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока" газета-

— Богимиз қайта тикланаётган кезлар эди, — дея

яхшилаш, талабалар ётоқхоналари, маданият-истироҳат богларининг санитария ҳолати мавзуида чоп этилган мақолалари туфайли Уйғун ака Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари ҳамда Фахрий ёрликлар билан мукофотланди.

У жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб келади. Ўзи истиқомат қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги "Олмазор" маҳалласида кўп йиллар оқсоқол ҳамда котиб вазибаларида ишлади. Олмазорликларнинг 1997 йили ўтказилган шаҳар маҳаллалари кўригида фахрли иккинчи ўринни эгаллашларида ҳам унинг хизматлари катта.

Хулоса ўрнида шунинг таъкидлаш лозимки, Уйғун акани таниган, билганлар унинг хонадонига ҳавас қилишади. Ўқитувчилик касбининг шарафли келаётган турмуш ўроқлари Сайёраҳон опа билан беш нафар фарзандларини ҳам ўзлари сингари илмий, меҳнатсевар қилиб тарбиялаб, маҳалла аҳли ҳурматига сазовор бўлиб келишмоқда. Б.ИКРОМОВ

Мўшамларга

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси 2004 йил учун ишлаб чиқариш бор бўлган корхоналардан йиллик ҳисоботни талаб қилмоқда. Шунга кўра Чилонзор туманида жойлашган 49 та ишлаб чиқариши бор корхоналар атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи зарарли моддаларни чиқариши учун иккинчи даражадаги экологик статистика ҳисоботини топширди. Бу корхоналар атмосфера ҳавосини 2004 йилда ўзида мавжуд бўлган 184 та манба орқали 94,3 тонна зарарли моддалар билан ифлослантирган. Юқоридаги корхоналар томонидан атмосфера ҳавосига чиқинди чиқарувчи моддаларнинг чеки ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи зарарли манбалар рўйхати ишлаб чиқилган. Йиллик ҳисоботда атмосферага чиқадиган чиқиндиларнинг чеки меъёридан камлиги аниқланган.

Сув захираларидан оқилона фойдаланиш мақсадида айрим корхоналар ишлаб чиқариш учун шаҳар сув тармоғидида сувдан фойдаланмасдан, артезиан қудуғидаги сувдан фойдаланиш учун махсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлиб, улар учун кўмитадан рухсатнома олинган.

Тумандаги 44 та корхона захарли чиқиндилар ҳосил бўлиши, фойдаланиш ва уларни жойлаштириш тўғрисида учинчи даражадаги экологик форма бўйича йиллик ҳисоботи биринчи даражадаги хавфли чиқиндилар, гальваника цехидаги ишлаб чиқариш чиқиндилари, хлор бирикмалари, хром чиқитлари, иккинчи даражадаги хавфли чиқиндилар, нефть маҳсулотлари, сульфат кислотаси, учинчи даражадаги хавфли чиқиндилар, нефть, мис, кўрғошин, рух, фтор, фос-

фор ва бошқа чиқиндилар қиради.

"Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунлар талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 405-сонли «Таркибида симоб бўлган лампа ва асбоблардан фойдаланиш ва утилизация қилиш бўйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорини ижро эта бориб, аҳолининг экологик хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш мақсадида аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Симоб инсон организми учун ўта зарарли бўлиб, асаб тизимига, мияга таъсир кўрсатади, жигар ва ошқозон-ичаклар фаолиятини издан чиқаради. Атроф-муҳит оғирлашгач, симоб буғи органик моддалар, металллар, масалан, мис билан бириктириб, бунинг оқибатида унинг организмга бўлган таъсири кучаяди. Агар хонада битта люминисцент лампаси синса, муайян вақт ўтгач, симоб буғи концентративисининг организмга зарарли таъсири 20 баробар ортади.

Шамоллатиш билан хонадаги симоб таъсирини камайтириб бўлмайди, чунки у фаол сезувчанлик хусусиятига эга кўпгина материаллар шиммилиб кетади ва ундан ажралиш узок вақт давом этади. Хулоса қилиб шунинг айтишимиз мумкинки, биз табиат ато этган жаннатмакон ўлкамизнинг ҳар бир қарич ерини, тупрогини, сув ва ҳавосини қадрлаб, ўз табиий шароитимизни ишга солайлик. Ер билан одамлар орасидаги меҳрни тиклайлик.

ҚОНУНЛАР АМАЛДА

Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси асримизнинг энг йирик муаммоларидан биридир. Табиатни муҳофаза қилиш, бу — сувдан оқилона фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, атмосфера ҳавосининг тозаллигини асраш, ҳосил бўладиган чиқиндиларни тўғри зарарсизлантириш чораларини ўз вақтида қўришдан иборат.

Юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан меъёрий лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича раҳбарий ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилинган. Олий Мажлис томонидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида керакли ишлар олиб борилмоқда.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши юзасидан 53 та корхонада ифлослантирувчи моддаларнинг меъёрий лойиҳаси мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат беш йил муддатта берилиб, унда корхоналар томонидан атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш, атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа таъсир чораларининг олдини олиш ҳамда камайтириш тадбирлари кўрсатилиб ўтилган. 1993 йил 6 майда эса «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу қонуннинг вазифалари сувга бўлган муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли, халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишдан, сувни ифлосланиш ва камайтириш билан боғлиқ кетишидан сақлашдан иборат. Шунинг учун тумандаги 34 та корхонада сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси ишлаб чиқилган. 2002 йил 5 апрелдаги «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида 27 та корхонада ҳосил бўлган чиқиндиларнинг хавфлилик меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Бу қонунни бажариш юзасидан тумандаги 48 та хўжалик фаолиятини юритув ишини мўлжаллаётган корхоналар 2004 йилда экологик экспертиза хулосасини олганлар. М.УМАРОВА, Чилонзор тумани ноэри. Д.СУЛТОНОВА, Шайхонтоҳур тумани ноэри.

Шарқ дурдоналари



• Меҳнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат, келтиради. Ялқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлади.

ХИКОЯТ Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир золим йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!».

Золим балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тиқилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кеча яқин Аллоҳга ёлворди. Золим тушида: «Фалон одамнинг ҳақини берасан, шундан сўнг хасталиқдан қутуласан» деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчини қидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан қутулди.

Байт:
**Меҳнат ила ҳал бўладир ҳар мушкул,
Ками дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.**

Киши ўз душмани билан зоҳиран дўстлашсада, душман душманлигини қилверди. Шунинг учун бу борада ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ ва ҳар тарафлама ўйлаб кўрмоқ, сўнг хулоса чиқармоқ лозимдир.

ХИКОЯТ Бир илон бир дехқоннинг уйига қирмоқчи бўлиб, остонаси олдида беркиниб ётарди. Дехқоннинг ўғли йўдан чиқмоқчи бўлиб, остонага қадам қўйган эди, тасодифан илонни босиб олди. Илон орқиб зарбига чиқолмай болани чақиб олди. Бола кўп ўтмай жон берди. Дехқон ўч олиш мақсадида болта билан илоннинг бошига таширди. Аммо зарб хато кетиб, тошга тегди ва илон қочиб кетишга муваффақ бўлди. Орадан анча вақтлар ўтгач, дехқон илон билан сулҳ тузмоқчи бўлибди.

— Йўқ, — деди илон рад қилиб, — модомки менинг кўзим ёрилган тошга тушаркан ва сенинг дилингда фарзанд доғи барқарор экан, иккимизнинг ораמידа муҳаббат бўлиши мумкин эмас.

Кишининг башанг усти-бошига ва чиройига қараб диди нозик ва табиати тоза деб бўлмайдди. Унинг ташки қурнишига қараб ичини тасаввур қилиш қийин.

ХИКОЯТ Бир тулки буттарошнинг дўқонига кириб қолди. У ердаги нарсалар ичидан турган гоғай нафис ва чиройли ишланган санам суратини кўрди. Завку шавқ билан томоша қиларкан, санамнинг боши ичидан ҳеч нарса йўқлигини, қўп-қуруқлигини сезиб қолди.

«Эҳ афсус, — деди тулки ўзига, — буттарош сени гоғайда нозик санъат билан безабди. Бироқ бошинг миядан холи экан».

БАҲОРГИ ИШЛАР БОШЛАНДИ

Ўртимизга интиқлик билан кутганимиз фасллар келинчаги фусункор баҳор ўз сепларини ёйиб кириб келмоқда. Бу яшариш, янгиланиш фаслида гўзал Тошкентимиз хуснига янада хусн қўшилади. Халқимизнинг асрлар оша эъзозланиб, ардоқланиб келинаётган — Наврўзи олам байрамига тайёргарлик ишлари ҳам бошланди кетди. Ҳозирда шахримизнинг барча туманларида режага кўра ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда ҳамда ҳашарлаб ўтказилмоқда.

Шахримизни боғу бўстонга, обод ва ораса масканга айлантиришдек эзгу мақсадларни кўзлаган битта туманни мисол қиладиган бўлсак, Миробод туман ободонлаштириш бошқармасининг ишчилари ҳам туманни орасталаш, обод қилиш, дов-дарахт, гулу чечакларга бурқаш йўлида гайрат кўрсатмоқдалар. Шу боис ҳам бошқарманинг 277 нафар жонқуяр ишчи-хизматчилари баҳорий юмушларни амалга оширишга астойдил бел болаганлар.

Туманнинг ўзига хос томонларини назарда тутиб, айниқса, «Сихат-саломатлик йили» дастури доирасида инсон табиатининг ажралмас бўлаги эканлигини ёдда тутган ҳолда кўклагми ишлар муайян режага асосан олиб борилмоқда.

Шунга асосан Афросиёб, Мовароуннаҳр, Ўзбекистон, Нукус, Шахрисабз, Бухоро, Матбуотчилар, Тарас Шевченко, Охунбобоев шожўчаларида манзарали ва мевали дарахт кўчатларининг ўзидан 42 минг дона қилиши мўлжалланган. Марказий кўчалардаги аввалги йилларда ўтказилган дарахтлар парваришланадиган, оқланадиган, қуриган-синганлари олиб ташланади, шу билан бирга, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланадиган, минглаб погон метр ирригация шохобчалари орас-таладади.

Жумладан, туманнинг хиёбон, майдон, йўлак, кўча, маҳаллаларга ранг-баранг гуллардан 53 минг дона альвия, бегония, астра, катарантус

каби бир йиллик, бундан ташқари 2 мингта кўп йиллик гул буталари ўтказилади. Эйтиборли томони, гул ва дарахт кўчатларини етказиб беришда Тошкент манзарали ва гулчилик давлат хўжалиги жамоаси фаоллик кўрсатяпти. Гулларнинг бирин-кетин чамандек очиладиган турфа хиллари пойтахтимизни чаманзорга айлантириши учун тумандаги марказий кўчалардаги чор-раҳаларда 40 тага яқин катта гултувакларда гуллар ўтказилади ва бу албатта, ажойиб манзара касб этади.

Шахримизнинг бошқа туманлари, маҳаллалари, марказий кўчаларни айланар эканмиз уларни обо қилиш, гул ва дарахт кўчатларини экиш авж олганлигини кўра-миз. Шунингдек, дарахтлар буталаниб, уларга шакл берилмоқда, чириган шохлар олиб ташланмоқда.

Кўни кеча — баҳорий иллик уфуриб турган шанба ва якшанба кўнлари шахримизнинг барча туманларида азалий қадриятларимиздан бўлган умумхалқ ҳашарлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Жумладан, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг 3215 нафар ишчи-хизматчилари ҳам мазкур ҳашарда фаол қатнашиб 97 гектар майдон, 30250 погон метр ариқ-зовурлар, ирригация шохобчалари тозаланди. Шунингдек, 170 тонна чинчида, ахлатлар 52 та техника воситаларни кўмагида олиб чиқиб кетилди. Ободончилар гайрат-шижоати



билан 1520 туپ дарахтларга шакл берилди ҳамда 9500 та дарахт кўчатлари ўтказилди.

«Ҳашар — алга ярашар» деб халқимиз бежиз айтмайди. Баҳор эзгуликларидан, Наврўз тараддуидан нишона бўлган ҳашарларда деярли ҳар шанба, якшанба кўнлари оловқабл ҳамшаҳарларимизни кўришимиз мумкин...

Хуллас, барчамизга маълумки, шахримизни гулу чечакларга бурқаш, яшил майдонларни кўпайтириш борасида бир неча йиллардан бери жадал саяб-ҳаракатлар давом эттирилмоқда. Барча интилиш, меҳнатлар самараси ўлароқ экилган дов-дарахтларнинг барқ уришида, турфа гулларимизнинг эрта кўклагдан то кеч кузга-ча янаиб, дилларимизни яйратиб, кўзларни қувнатишида яққол кўра-миз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: жойларда амалга ошири-
лаётган кўкаламзорлаштириш ишлари.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Ўртимиз молия бозорида банк соҳаси тобора ривожланиб бормоқда. Қувонарли томони шундаки, кейинги пайтларда «Банк мижоз учун» тамойилига амал қилинмоқдаки, бу соҳа тараққиёти, мижозлар кўпайишига ўз хиссасини қўшмоқда.

Молия бозори

ЭНГ КУЧЛИЛАР — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Кўни кеча «Western Union Financial Services, GmbH» халқаро компанияси томонидан «Мамлакатнинг энг яхши жамоалари — Top Country Teams 2004» дастури бўйича республика банклари фаолияти сарҳисобининг ўтказилиши ҳам фикримиз далилидир.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ўзининг фаол фаолиятини бошлаган жаҳонга машҳур «Вестерн Юнион» компаниясининг мамлакатимиз молия бозорида иш юритаётганига тўрт йил ўтган бўлса, шу кунгача 32 тижорат банкидан 18 таси ушбу банк билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар орасида Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбойжамфармабанк», «Асака» банки, «Тадбиркор» банки, Халқ банки, «Ҳамкорбанк» каби нуфузли банк тузилмалари бор.

Таъкидлаш жоизки, «Мамлакатнинг энг яхши жамоалари — Top Country Teams 2004» дастури авваламбор «Вестерн Юнион» пул ўтказмаларига хизмат кўрсатиш пунктларидаги хизматлар даражасини кўтаришга йўналтирилган. Унда жаҳоннинг турли мамлакатларининг молия тузилмалари қатнашади. Эндиликда мазкур дастурга Ўзбекистон банк соҳасининг вакиллари ҳам қўшилишди. Банкирларнинг ўзларининг қайд этишларича, тезлик билан пул ўтказиш хизмати тобора оммалашиб бормоқда, хизмат кўрсатиш нукталарининг сони ҳам кўпаймоқда. Юқорида таъкидланган дастурда қатнашиш эса банкларни мижоз-ўн кескин рақобат курашида сервис ва бошқа иш кўрсаткичларини яхшилашга рағбатлантиради.

Чўноқи, дастурининг барча иштирокчилари учун «Вестерн Юнион» компанияси томонидан тренинг ва семинарлар ташкил этилган бўлиб, улар касб маҳоратини ошириш борасида мамлакатимиздаги банклар ходимлари учун катта фойда берди. Утган йил якуналари бўйича «Western Union Financial Services, GmbH» компанияси танловнинг «Мутлак яхши натижа» йўналиши бўйича «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банки («Юнусобод» туман банки) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Наманган бўлими)ни дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотлади.



«Энг кўп пул ўтказмалари» номинациясида «Бизнес Банк» акциядорлик-тижорат банки («Бадийи» чакана маркази), «Энг яхши хизмат кўрсатиш сифати» бўйича «Ҳамкорбанк» АТБ (шаҳар операциялар бошқармаси) тақдирланди.

«2004 йилда Ўзбекистон Республикаси миёнқаларида «Вестерн Юнион» пул ўтказмалари хизматларини фаол ривожлантиргани учун» йўналишида «Асака» АТБ мутлак ғолиб бўлди.

Шунингдек, пойтахтнинг қўйидаги банк тузилмалари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг шаҳар бўлими, марказий операциялар филиали, Халқ банкининг Сергели ва Ҳамза бўлими, «Бизнес Банк» ҳамда «Капитал банк»нинг бўлимлари ҳам сертификатлар ҳамда совғалар топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки «Вестерн Юнион» компаниясининг дастури бир неча даражани ўз ичига олади. Энг юқори даража сифатида «500 клуби» ташкил этилган. Унга кириш учун Европа, Яқин Шарқ, Африка қитъаларининг энг яхши вакиллари кураш олиб боришади. Қувонарлиси шундаки, Ўртимизнинг икки молиявий институти — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият банкининг Самарқанд вилоят бўлими ҳамда «Бизнес Банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банки («Тарихий» чакана маркази) мазкур клубдан ўрин олишга жуда яқинлашиб қолди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: тақдирлаш маросимидан лавҳа

LG ГРАНТИ СОВРИНДОРЛАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида пойтахтимиздаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтказилган LG гранти танлови ғолиблари аниқланди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва LG Electronics компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида иккинчи маротаба ўтказилган бу танловдан кўзаланган мақсад ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ижодкор, изланувчан, ташаббускор йигит-қизларни рағбатлантиришдан иборат.

Танлов иқтисодиёт, педагогика, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, транспорт ва муҳандислик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида таълим олаётган бўлажак бакалаврлар ўртасида ўтди. Унда талабанинг контракт асосида ўқиши, аъло рейтинг аттестациясига эга бўлиши, жамоатчилик ишлари ва илмий тадқиқотлардаги фаол иштироки асосий мезон сифатида олинди. Ун нафар ғолибининг ҳар бири LG Electronics компаниясининг 500 минг сўмдан пул муқофотига сазовор бўлди. Бу маблағ талабанинг таълим контрактини тўлаш учун у тахсил олаётган олий ўқув юрти хисоб рақамига ўтказилади.

Ғолибларнинг бири - Мастура Тошпўлатова Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг иккинчи курсида тахсил олади. У танловда матбуотда чоп этилган йигирмадан ортиқ мақоласи билан иштирок этди.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, иқтидорли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибордан гоғай маънувимиз, — дейди Мастура. — Мазкур танлов ҳам ана шундай эътиборнинг яна бир ифодасидир. Келажакда тележурналист бўлишмоқчиман. Университетимизда бу борада зарур билим ва тажриба орттириш учун барча шароит яратилган.

Давримизни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Танловнинг ушбу йўналиши ғолиби Азиз Бобожонов Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг иккинчи босқичида сабоқ олаётди.

Беш хорийий тилда сўзлаша олади. Унинг дастурий таъминот соҳасидаги изланишлари эътирофга лойиқ деб топилди. Азиз бир қанча таълим муассасалари веб-саҳифаларини, қатор электрон дарсликларни яратишда фаол иштирок этган. У ишлаб чиққан виртуал стенд компьютер технологиясини ўрганиш ва фойдаланишда жуда кўл келади.

Шахмат

ҚОСИМЖОНОВ
- КАСПАРОВ:
КУЧЛАР ТЕНГ
КЕЛДИ

Испаниянинг Линарес шахмат бўйича 2005 йилнинг энг муҳим супертурнири «CIUDAD DE LINARES» халқаро мусобақаси давом этмоқда. Унда дунёнинг энг кучли етти шахматчиси - амалдаги жаҳон чемпиони ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, Гарри Каспаров (Россия), Вишванатан Ананд (Хиндистон), Веселин Топалов (Болгария), Петер Лeko (Венгрия), Майкл Адамс (Англия) ва Франсиско Вальехо (Испания) икки даврли тизимда голиблик учун курашмоқда.

Мусобақанинг биринчи турида ҳамкоримиз Рустам Қосимжонов мезбонларнинг энг кучли шахматчиси Франсиско Вальехога қарши дона сурди. 2001 йили Капабланка хотирасига бағишланган турнир ва 2002 йили «Дос-Эрманас опен» мусобақаларида голиб чиққан Ф. Вальехо жаҳон чемпионига жиддий қаршилик кўрсатди. Испан шахматчиси ҳамда жаҳон ва Осие чемпиони, халқаро турнирлар голиби - Рустам Қосимжонов ўртасидаги дастлабки учрашув дуранг натижа билан якунланди - 0,5:0,5.

Шунингдек, биринчи тур учрашувларида Веселин Топалов Майкл Адамсни мағлуб этди, Гарри Каспаров эса Петер Лeko билан дуранг ўйнади.

Иккинчи тур беллашувлари орасида Гарри Каспаров ҳамда Рустам Қосимжонов ўртасидаги бахс муҳлису мутахассислар эътиборини жалб этди. Чунки Линаресдаги турниргача ҳар икки таниқли шахматчи мулғаб жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган учрашувда ўзаро куч синиши лозим эди. Гарри Каспаровнинг ушбу беллашувдан бош тортагани туфайли Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ муҳим учрашувни бошқа муддатга қолдиришга мажбур бўлди. Ҳар икки гроссмейстернинг Линаресга тақлиф этилиши эса муҳлисларга Гарри Каспаров - Рустам Қосимжонов баҳсини тўхтатиб қўйди.

Бунгача Рустам Қосимжонов Гарри Каспаров билан уч маротаба куч синишиб, имкониятларини бой берган эди. Бирок ўша пайтда анча ёш ва тажрибасиз бўлган Рустам йиллар ўтиши билан маҳоратини чархлади, тажриба тўплади. Асосийси, дунёнинг энг кучли шахматчилари қаторига қўшилди ва ҳар қандай рақиб билан беллаша оладиган гроссмейстерга айланди. Линаресдаги турнирда шундай бўлди. Рустам Қосимжонов бу гал Гарри Каспаровга жиддий қаршилик кўрсатди ва ўзини дуранг натижа билан тугади - 0,5:0,5.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида Майкл Адамс Петер Лeko билан дуранг натижа қайд этди. Биринчи турда галаба қозонган Веселин Топалов иккинчи баҳсда Вишванатан Анандга ютақчиди.

Иккинчи тур якунларига кўра, биттадан очко тўплаган Рустам Қосимжонов, Вишванатан Ананд, Гарри Каспаров, Петер Лeko, Веселин Топалов пешқадамлик қилмоқда. Майкл Адамс ва Франсиско Вальехо ҳисобида 0,5 тадан очко бор.

Рустам Қосимжонов навбатдаги учрашувда Майкл Адамс билан куч синишади. Эслатиб ўтайти, ҳамюртимиз англиялик гроссмейстери 2004 йилги жаҳон чемпионатининг финалида мағлубиятга учраб, жаҳон шахмат тожини қўлга киритган эди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари 10 март кунни аниқланади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Тошкентда Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга ажратилган мақсадли бегараз молиявий ва техникавий ёрдамнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус ходимлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг асосий стратегик ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ун икки йилдан буён икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий алоқалар суръати йилдан-йилга ошмоқда. Шунингдек, Япония мамлакатимизга молиявий жиҳатдан амалий кўмак бераётган асосий давлатлардан биридир. Шу пайтгача маъзур давлат томонидан Ўзбекистонга қарийб икки миллиард АҚШ доллари миқдориде молиявий ёрдам ажратилганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайишига икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим омил сифатида хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Умуман Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланган ва дунёдаги етакчи давлатлардан бири ушбу давлат билан барча соҳалардаги алоқалари

кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Худди шундай Япония ҳам иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

— Бугунги тадбир Ўзбекистоннинг нафақат икки томонлама, балки, ҳар томонлама алоқаларини ривожлантиришга муҳим аҳамият касб этади, — деди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юучи Кусамота. — Тадбирда иқтисодий алоқаларимизнинг кўлами ҳақида батафсил фикр - мулоҳаза юритишга ва шулар асосида амалга оширилган ишлар самараси ҳақида тўхталишга кулай имконият туғилди. Бизнинг молиявий ёрдам кўрсатиш борасидаги тажрибамиз бошқа мамлакатлардан умуман фарқ қилади. Лойиҳаларимиз асосан мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга амалий кўмак беришга қаратилган. Келажакда ҳам маъзур ҳамкорликни давом эттирган ҳолда, Ўзбекистон ва у жой-

лашган ҳудудда юз бераётган ўзгаришларни инobatга олиб янги йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Япония ҳукумати томонидан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларига доир лойиҳалар учун имтиёзли кредитларга ажратилди. Шу кунгача юртимизга киритилган Япония сармомясининг 910 миллион доллар мана шу имтиёзли кредитларга тўғри келади. Таллим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига оид лойиҳалар учун ажратилган маблағ эса 160 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Яқинда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги шифохоналарга тиббий асбоб-ускуналарни етказиб беришни кўзда тутувчи қарийб 270 минг АҚШ доллари миқдоридеги грант шартномалари имзоланди. Япония ҳукумати йил давомида мамлакатимиздаги ўрта умумтаълим мактабларини замонавий ўқув куроллари ва ускуналар билан жиҳозлашга қаратилган умумий қиймати 360 минг АҚШ доллари миқдоридеги бир неча лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

"01"

ГАЗДАН ТЎҒРИ
Фойдаланинг

Мана қиш фасли ҳам якунига етипти. Ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариши корхона, муассаса, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигининг ошишига маълум маънода сабаб бўлмоқда. Бепарволик катта талафотларга олиб келишини ҳар биримиз ҳам тушунавермаймиз. Олдий қондага риоя қилмаслик, бу — тинчлик-осойишталик, қут-барақа, энг қадри ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш дегани.

Сир эмас, кунлар совиши билан барчамиз хонадонларимизни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда? Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларини ишлатган ҳолда хонадонини қулга айлантириб, ўзлари ҳам қурбон бўлиб кетган инсонлар бор. Газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда хоналарни иситиш мақсадида газ плиталари, духовкаларни ёқиб қўйиш, назоратсиз қолдириш, тутун йўлларининг носозлиги, дудбуронларнинг тозаланмаслиги оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг сони сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Энг ачинарли томони шундаки, маъзур ёнғинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмайди. Бунга бор-йўғи бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик сабаб бўлади. Фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гугурт чақиш шумин эмаслигини билиб, шу ишни қилаётганлар, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришларига ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда Ҳамза тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ёнғинга қарши чораларни кўришини эслатиб ўтади.

Яъни, иситиш печларини ёқишдан олдин чанг ва исалардан тозалалаб, муриҳоналарни ташқи тарафдан суваб, оқлашни унутманг. Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъян ман этилади. Ёқилган иситиш печлари устида, теварак-атрофида ҳар хил ёнувчи қийимларни қуришти, ўчиб қолган оловни ўт олдиришда бензин, керосин, ашeton ва шунга ўхшаш енгил ёқувчи сувоқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш тақиқланади. Ёш болаларнинг газ атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг.

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлаётганлиги ёнғин хавфсизлиги хизмати билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга ҳам масъулият юклайди. Ёнғинлар таҳлили эса хизмат ходимлари билан биргаликда дахлдор идораларнинг ҳамкорликдаги фойлияти муҳим ўрин тутишини кўрсатмоқда. Зеро, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, инсонларнинг жароҳатланишларининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона мутасаддилари барча фуқаролар бирдек масъулдир.

Фатхило РАҲИМБОВЕВ,
Ҳамза тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, подполковник.

Бу - маънавий жиҳатдан жуда муҳим кун бўлиб, билим-лар ҳақидаги мулоқотлар, устозлардан имкон қадар қўпроқ нарсани ўзлаштириш, янги билимларни эгаллаш хайрли ҳисобланади. Шу кунги туғилганлар ўзларини буюкликка йяйдиган, имкониятларига ортиқча баҳо беришга мойил кишилар бўлишади.

Мунажжим башорати

ЁҚИМЛИ ХАРИДЛАР
БИЛАН

1 март, сешанба

Айни пайтда бу — фаоллик ва ижодий изланишлар кунини ҳамдир. Янги иш жойига ўтиш, ишдан бўшаш, саёхатларга йўл олиш мумкин.

Спорт мусобақалари, жанглар кўраш санъати билан шуғулланиш, чиникиш, совуқ сувга ювиниш фойдали. Шаҳарликлар учун далаларга сайру саёхатлар уюштириш, табиат кўйида бўлиш яхши кайфият ва кувноқлик бахш этади. Соч олдириш, соқол-мўйловларни қиртишлаш мумкин эмас.

Майда пул ёки бирон зеб-зийнат топиб олиш келгусидаги омадингиздан дарақдир. Шамолнинг деразини очиб юбориши, кўзгунинг синиб қолиши, поёбзалнинг йиртилиши — нохушиқлардан огоҳлантиришдир. Деразангиз токчасида қушлар сайраши ҳам яхши эмас. Аммо калит топиб олсангиз — хурсанд бўлишингиз мумкин. Бу — янги уйга эга бўлишингиз ва у ерга қўчиб ўтишингизга ишора.

Кўёш кўтарилгандан кейин қўрилган тушларнинг ўнгидан келиш эҳтимоли кўпроқ. Тўшда ўз исмингизни эшитсангиз ёки учиб юрсангиз, бу омадингиз ёр бўлишига ўзига хос ишора. Қайқанда сузиш, дарахт кешиш ёки қаердандир йиқилиб

тушиш сизни бўлажақ хавф-хатар ва нохушиқлардан огоҳлантиради.

Жигар, ўт пуфағи, тос-сон суяк бўғимлари бугун хасталиқларга мойил бўлади. Аллергиянинг турли кўринишлари хуруқ қилиши мумкин. Бўкиб оқватланманг, серёғ, гўшти таомлардан ўзингизни тортинг. Мева-салбазолларни кўпроқ истеъмол қилинг. Булар саломатлигингиз учун фойдали.

Қора, кўк ва яшил либослар кийиш кун руҳига айнан мос келади. Ёрқин туслар, қизил ва сариқ ранглардан қочганингиз маъқул.

БУГУН:

— ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш;

— саёхатлар ва хизмат сафарларига отланиш;

— жасурлик ва аниқлик талаб қиладиган юмушлар билан шуғулланиш;

— яқин дўстлар даврасида мароқли улфатчилик қилиш тавсия этилади.

Сувоқлик ва кимёвий моддалар билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш, ички туйғуларга ҳаддан зиёд ишониб юбориш, томоқ, кўкрак ва қоринда пайдо бўладиган оғриқларга эътиборсиз қараш мумкин эмас.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Кейинги пайтларда юртимизда спортнинг бошқа турлари қатори қиличбозлик ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ва пойтахтимизда қиличбозлик бўйича клублар, ўқув муассасаларида тўғараклар ташкил этилаётганлиги, турли хил мусобақалар уюштирилётганлиги қувонарли ҳол албатта.

Куни кеча Қозоғистонда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган қиличбозлар қатори ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақият қозониб юртимизга ёруғ юз билан қайтишди. Шуниси қувонарлики, ёш қиличбозларимиздан Павел Орлов, Гулмира Мамадалиева, Марина Андреева ҳамда Роман Александровларга турнирнинг бронза медаллари насиб этди.

ЖАМОАМИЗ — УЧИНЧИ ЎРИНДА

Катарнинг пойтахти Доха шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган Осиё биринчилиги бахслари Ўзбекистон терма жамоасига омад келтирди.

Шуниси эътиборлики, қитъа биринчилигида 21 мамлакатнинг 160 нафардан ортиқ иштирокдорли спортчиси голиблик учун кураш олиб борди.

Турнирнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилган Ўзбекистон қизлар терма жамоаси аъзоларининг ҳатти-ҳаракатлари ҳакамлар томонидан юқори баҳолини, вакилларими Хитой ва Япония мамлакатлари гимнастикачиларидан сўнг фахрли учинчи ўринга муносиб деб топилди.


Терма жамоамизнинг бу галабасига гимнастикачилардан А.Нинкова, Т.Гайфулина, Э.Абдувалиева, Л.Галиулиналар муносиб ҳисса қўшишди.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРНИ БОШҚАРИШАДИ


Халқаро футбол федерацияси — ФИФА томонидан кейинги 40 ҳафта мобайнида халқаро мусобақаларни бошқарадиган ҳакамлар рўйхати эълон қилинди.

Шуниси қувончлики, ушбу рўйхатдан 20 нафар ўзбекистонлик ҳакамлар ҳам ўрин олган. Иштирокчи ҳакамларимиздан Равшан Эрматов, Марат Исмоилов, Владислав Цейтлин, Ноил Лутфуллин, Константин Смирнов ва Рустам Саидовлар майдонда бош ҳакамлик вазифасини бажарсалар, Александр Попов, Валентин Коваленко, Арслон Хотамов, Фарход Абдуллаев, Фафуржон Низомов, Виктор Серазетдинов, Рафазель Илёсов, Бахтиёр Тоғаев, Вилоят Нажафалиев ва Даврон Шоқурбоновларга қанот ҳакамлиги ишониб топширилди.

(Ўз мухбиримиз)



Бадиий гимнастика



Евгения Тюрикованинг хизматлари катта бўлмоқда.

СПОРТ СИРЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтган йилнинг октябрь ойдан бошлаб бадиий гимнастика тўғарига очилиши билан ушбу даргоҳдан спорт сирларини ўрганишга қизикувчи болажонларнинг қадамлари аримай қолди.

Албатта, спорт сирлари қанчалик эрта ўрганилса, келгусида шу ёшлардан ўз соҳасининг мохирлари етишиб чиқишининг имконияти шунчалик катта бўлади. Бадиий гимнастика тўғарига қатнашаётган болажонларнинг ёшлари 4 дан 7 гача бўлиб, улар ҳафтасига беш марта келиб чиройли ҳаракатларга бой спорт тури сирларини ўзлаштирмоқдалар.

Болажонларга жонкуяр мураббий — Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси Анна Савова сабоқ бермоқда. Эгилувчанлик, чақонлик ва гимнастика элементларини қатнашчилар мураббийдан иштиёқ билан ўрганмоқдалар. Хореография маҳоратини сингдиришда эса тажрибали педагог

Шубҳасиз, ҳозирда тўғаранинг зийрак қатнашчиларида ҳамма ҳаракатларни кўнгилдагидек бажариш қийин кечмоқда. Бироқ улар мураббийларининг ўринли талаб ва ўғитларига қулоқ тутиб, машғулотларда ҳар куни қатнашиб, келгусида мохир спортчилар бўлиб етишиб чиқишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Яхши ниятнинг ойдин орзулар сари дадил етаклаши эса барчамизга аён ҳақиқатдир.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: бадиий гимнастика тўғарига қатнашчилари машғулот пайтида.

Алексей Попов олган суратлар.

Турмуш ҳоҳраҳаларида

ОФТОБ ЧАРАҚЛАГАН КУН

“Нафиса-а-а!” Аёл шахд ўрнидан туриб кетди. Югура эшикка борди. Тушими, ўнгими, уни чақирган овоз Қодиржонники эди. Хаёл суриб ётиб уйку элтаёзган экан.

Худди Қодиржони кириб келаётгандек, кўча эшикни ланг очиб юборди. Кўёш чарақлаб, ҳовли яшнаб кетган, гулбеорлар ранг-баранг очилиб, райхон хидлари уфуриб ётибди. Нафисахоннинг дили ёришиб кетди. Ҳовлига шакарор қилиб сув сепа бошлади. Хали замон Қодиржон кириб келаётгандек. “Бугун бир уйлارнинг деразасини очиб шамоллатай, ойналарни артиб, хоналарни бир ғубордан тозалай”, деб ўзида катта куч сезган Нафисахон супургини олиб ҳовлини шахдам-шахдам супуришга тушди. Энди юз-қўлини ювиб бўлган ҳам эдики, қизлари бирин-бирин уйқудан уйғониб чиқиб кела бошлади. Гагза чой қўйиб юборди. “Дардор ювиниб кела қолинглар, — деди Нафисахон. — Сардорни ҳам уйғотинглар”.

— Сочлари жингалак-жингалак Сардор кўча эшикдан терлаб-пишиб кириб келди.

— Вой сен азонлаб кўчада нима қилиб юрибсан? — деди-ю, ўғлининг буй-бастига назар солди Нафисахон. “Худди отасининг ўзи!”

— Югурдим, чиниқаяпман, — деди Сардор. Унинг овози дўриллаб қолган, уйда ўзини худди катталардек тутар эди. Болалар чой ичиб бўлиб, мактабга отланаркан, онаси Сардорга:

— Сингилларингни ўзинг синфига кузатиб қўй, — деб тайинлади.

Қизлар “Ўзимиз қиролмаймизми?” дегандек қараб қўйишди.

— Йўқ, акангингиз кузатгани яхши, қизим, бошқалар акаси бор экан, деб хайқиб туради, — деди Нафисахон.

Болаларни кузатгач, Нафисахон ғайрат билан енг шимариб ишга киришиб кетди. Гиламларни чангютгичда тозалатади, полларни артиди, ойналарни ялтилатди, сўнг шкафдаги кишки кийимларни олиб,

сандиққа солмоқчи бўлди. Уларни олиб бир-бир тахлар экан, шкаф ортида салафанга кийгизилган костюм-шимга кўзи тушди. Қодиржонники! “Ўғли кияр”, деб уни авайлаб-асраб қўйибди. Секин салафани очди, костюмни олиб бағрига босди. Гўё Қодиржоннинг иси келадигандек, хидлаб кўрди, сўнг эгнига олиб тошойнага боқди. Яна костюмнинг у ёқ, бу ёғини қаради. Чўнтагига қўл суққан эди, бир қоғоз илиниб чиқди. Шошиб-пишиб эди. Э-э-э... Қоғозда Қодиржоннинг қўли билан ёзилган рўйхат бор эди.

“Нон — 20 та, гўшт — 5 кг, олма — 5 кг, сомса — 40 та, торт заказнод, патир — 12 та, шоколад энг зўрдан...”

Бу Нафисахоннинг гапига қилинадиган бозор харажатлари эди. Ушунда Нафисахон икки қўлини белига тираб, ана шу рўйхатни айтган, Қодиржон эзиб олган эди. Ушунда дугоналари гапда мазза қилиб яйрашган, Қодиржонни мақтай-мақтай, “Эрингизинг бошидан сув ўгириб ичсангиз арзийди”, деб унга хаваф қилиб кетишган эди.

Нафисахон қозонни олди-ю, бағрига босганча ўтириб қолди. Дангаса экан-а, жуда. Хатто, сомса, торт, патиргача кўчга бюриптирибман-а. Ахир ўзим пиширсам қўлимга хасмол чиқармиди. Уни ана шу алам эди. Хатто бир куни “лағмон қилинг” деганида, Қодиржонни жергиб бергани эсига тушди. Рўзгорнинг барини эрининг елкасига ортиб қўйган экан. Иш, рўзгор, болаларнинг боғчага бориб-келиши, қариндош-уруғларни кига борди-келди — Қодиржон ҳаммасининг улдасидан чиқар эди-я. Хатто у нон олиб келмагунча, дўкonga қиқиб нон олмаган экан-а. Ўргатиб нима қилдим, дебди-я. Ўзидан соқит қилиб, эрининг елкасига ортаверибди-ортаверибди. “Вой, сен ҳав хотинсан, онаси,

бекасан!” демабди-я! Индамай жараверибди хотинининг буйруғини.

Қодиржон уйга меҳмон келса яйраб кетар, Нафисахоннинг дугоналари келадиган бўлса, ҳеч камчилик бўлмасин, яхшилаб кунтинг, деб бари айтганини муҳайё қиларди. Балки шў толиқишлар сабаб, балки ишидаги нохушликлар сабаб, балки ҳар икки сабаб бир бўлиб Қодиржонни йиқитди. Нафисахон Қодиржонни куппа-кундуз кунни, авжи қирчиллама кирк ёшида йўқотди. Кейин, кейин Нафисахонга ҳар қадамда Қодиржон керак бўлди. Лекин уни тополмади. Телефон идораси қаёқда, маҳалла қаерда, электр пулини қайси кассага тўлайди, шуларни ҳам билмас экан.

Нафисахон қозонни бағрига босар экан, “Нега уни асролмадим, нега унинг кадрига етмадим”, дея оҳ тортугдек бўлар, овози ичидан чикмас эди. Нафисахон костюмни ҳовлига олиб чиқиб, офтобга солар экан, у борида ҳовли қандай файзли эди, ҳамма нарса қулиб тургандек эди-я, деб кўнглидан ўтказди. Ўша азиз дамларнинг кадрига етмабди-я. Шунчалик ношукр бўладими. Мана энди бўйинга тушган эди, қиялпти-ку. Тикиш-чатишни ўрганди, ҳамшираликка ўқиди. Бу хунарлари тирикчилигига ярапти. Аввалроқ, Қодиржон борида шу ҳаракатни қилса бўлмасаканми? Бутун ҳамма ишларни ташлаб олган экан Қодиржонга. Қани энди у дамлар, қани энди уйини обод қиладиган дугоналар, қани у қувноқ гап-гаштаклар. Бари Қодиржон билан кетди. Ха, рўзгор отлиг салтанатининг маликаси бўлиб, турмуш аравасини бававар тортиш кераклигини у энди тушуниб етган эди. Қанот жуфт бўлсагина парвоз юксак бўлишини у англаб етган эди. Аммо кеч эди...

Кутиб НОСИРОВА

ХАНДАЛАР

“Беморларни даволашда кулдирадиган адабиётлардан фойдаланиб туриш лозим!” дея ўз маърузасини тугатган бош шифокорга тингловчилардан бири савол берди:

— Ўзингиз ҳам тез-тез қулиб тура-сизми?

— Ростини айтсам, — деди маърузачи, — қулишга сира вақтим йўқ. Фақат, гоҳ-гоҳида тушларимда қуламан, холос.

Хузурига кирган беморга профессор деди:

— Анави курсини олиб келиб, яқинимга ўтиринг-чи!

— Муҳтарам профессор, мени ким деб ўйлайсиз, ҳамширангизни чақиринг, стулни ўша келтириб қўйсин!

— Узр, сизни танимабман, ўзлари ким бўладилар?

— Ўҳ-ҳў! Катта одам экансиз, ундай бўлса, хурматли жаноби олийлари, анави иккала курсини олиб келиб, икковига бириёўла ўтира қолсинлар!

Олим

ҚўЧҚОРБЕКОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулда босилади.
5009 нусxada босилади. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки “Тошкент почта”га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета “Тошкент оқшоми”нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.